

Бугун «Бароат кечаси фазилати» ҳақида онлайн суҳбат бўлиб ўтади



16:00 / 17.03.2022 3592

Бугун, 17 март куни соат 20:30 да онлайн шаклда «Эй Аллоҳим, бизни Рамазонга етказгин!» номли туркум суҳбатларнинг илк сони «Бароат кечаси фазилати ва унга оид масалалар»га бағишланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари Шаъбон ойи ва Бароат кечаси фазилатлари ҳақида суҳбат қилиб берадилар, ҳофизи Қуръонлар хатмоналар ўқийдилар ва дуою тазаррулар қилинади.

Мўътабар манбаларда, Ражаб ва Шаъбон ойлари Рамазонга тайёрланиш мавсуми экани, Бароат кечаси файзли кечалиги ҳақида кўп баён этилган. Инсон жисмини, руҳини рўзага тайёрлаб, ибодатлар ила ўтказса, Рамазондаги рўза унга ҳузур бағишлайди. Шундай экан, азизлар, ушбу кунларни ғанимат билиб қолайлик. Руҳимизни ва танамизни поклаб, улўф ойга тайёрланайлик, зикр ва ибодатларни кўпайтирайлик. Бароат кечасининг файзидан баҳра олайлик.

Ижтимоий тармоқлар орқали гўзал суҳбатлар, чиройли қироат ва хатми Қуръон дуоларини жонли эфирда кузатишни тавсия этамиз!